

ТАДБИРКОР - ЭЛГА МАДАДКОР

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

©АмирТемур.

Туманимизда тадбиркорлик субъектлари сони тобора кўпайиб бормоқда. Бу ўз навбатида хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш билан бирга кўшимча иш ўринлари яратиш имконини беради.

Тадбиркорлик билан шуғулланадиган инсон борки, фақат ишлаш, меҳнат қилиш ва ушбу меҳнат орқали халққа фойдаси тегишини хоҳлайди. Айтиш мумкинки, берилаётган эътибор ва яратилган қулайликлар билан бирга баъзи муаммолар ҳам учрамоқда. Муаммоларни ечиш, камчиликларни бартараф этилишида мутасадди раҳбарлар зиммасига катта масъулият юклатилган.

Туманимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш, экспорт фаолиятини амалга оширувчи корхоналар учун қулай шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида ҳафтанинг ҳар душанба кунлари «Тадбиркорлар уйи»да сайёр қабул ўтказиб келинмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини кўриб чиқиш ва муаммоларини ўз вақтида бартараф этиш мақсадида туман ҳокими **ЖАҲОНГИР ЖУМАНОВ** ҳамда туман прокурори **САНЖАРБЕК АМИНЖОНОВ**лар тадбиркорларни қабул қилди. Қабул давомида тадбиркорларнинг мурожаатлари ваколатли давлат ташкилотлари ва корхоналари иштирокида кўриб чиқилиб, ижрога йўналтирилди. Учрашувда тадбиркорларнинг ер, кредит, солиқ ва бошқа соҳалардаги муаммолари ҳал этилди. Паррандачилик йўналишида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаман, - дейди Ҳайит МФЙда яшовчи Илёсбек Ашуров, - электр энергияси таъминоти билан боғлиқ мурожаатим шу жойнинг ўзида ҳал этилди, бунинг учун туман ҳоқимига миннатдорчилик билдираман.

Фурқат тумани ҳоқимлиги АХБОРОТ ХИЗМАТИ







2021-10-21 08:43:49